

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВА АДОЛАТ АМИНБАЕВНА**

**СОННАТ (ЗОПИКЛОН) ДОРИ ВОСИТАСИННИНГ  
КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)**

**Султанова Адолат Аминбаевна**

Соннат (зопиклон) дори воситасининг кимё-токсикологик таҳлил усулларини  
такомиллаштириш .....3

**Султанова Адолат Аминбаевна**

Совершенствование химико-токсикогических методов анализа сонната  
(зопиклона).....19

**Sultanova Adolat Aminbaevna**

Optimization of methods for chemical and toxicological analysis of sonnat  
(zopiclone).....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**СУЛТАНОВА АДОЛАТ АМИНБАЕВНА**

**СОННАТ (ЗОПИКЛОН) ДОРИ ВОСИТАСИННИНГ**  
**КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Far54. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Усманилиева Зумрад Уктамовна Фармацевтика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Комилов Хожназор Масудович Фармацевтика фанлари доктори, профессор Халилова Нилуфар Шухратиллаевна Фармацевтика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «4» 12 соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz).)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй, Тел.: (+99871) 256-37-38)

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 11 кун тарқатилди.  
(2020 йил «18» 11 даги 10 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси,  
фарм.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, уйқу бузилиши катта ёшдаги инсонларнинг 4-45% да учрайди ва бундай ҳолатда табиийки дори воситаларга мурожат этилади. Соннат тиббиёт амалиётида асосан тинчлантирувчи ва уйқу чақирувчи дори воситаси сифатида кенг қўлланилиши натижасида ундан захарланиш ҳолатлари учраб келмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, соннатни захарланган ички аъзоларидан ажратиб олиш, таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда суд-кимё лабораториялари учун уйқу чақирувчи ва тинчлантирувчи дори воситаларини мурда ички аъзоларидан ажратиб олиш ва таҳлил усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада биологик объектдан захарли моддаларни ажралиб чиқишига таъсир қилувчи омиллар, текширилувчи моддаларни организм ички аъзоларида тарқалиши ва тўпланиши, тўпланган ички аъзоларда сақланиш муддати ва уларга таъсир этувчи омилларни ўрганишни тақозо этмоқда.

Республикамизда суд-кимё амалиётини ривожлантиришга қаратилган илмий амалий изланишлар натижаларини йўлга қўйган ҳолда сифатли ва безарар таҳлил усулларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, беморларни тез ҳамда сифатли даволашни яхшилаш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, тўқималар ва биологик суюқликлардан захарли моддаларни ажратиб олиш, уларни аниқлашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида» ПҚ-4438-сон, 2018 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-4049-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги 878-сон, 2019 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида» 818-сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация изланишларда ўрганилган соннат дори воситасини кимё-токсикологик жиҳатдан дунё миқёсида тадқиқотчилар Ю.А.Хомов, Г.П.Чепурная, Л.Ю.Клименко, Е.Мeyer, P.J.Boniface, G.G.Russell, P.P.Краснова, С.С.Катаев, Н.В.Кокшароваларнинг изланишлар алоҳида ўрин тутмоқда. Уларнинг соннат (зопиклон)ни мурда объектларидан ажратиб олиш ва таҳлил усулларига бағишланган илмий тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Мазкур диссертация иши экспертиза амалиёти масалаларини энг катта далиллар билан ҳал қилишга имкон берадиган, биологик объектлардан соннатни аниқлаш учун ишлаб чиқилган илмий усуллар асосида бир қатор масалаларни еча оладиган илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг “Фармацевтика ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** соннатни кимё-токсикологик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда биологик объект ва биологик суюқликларга ишлаб чиқилган услублар асосида услубий тавсиянома ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

соннатни чинлигини ЮҚХ, УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ ҳамда ГХ-МС усулларида аниқлашнинг мавжуд шароитларини такомиллаштириш ва уларни биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан аниқлашга татбиқ этиш;

соннатни миқдорини УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ усулларида аниқлашнинг мўътадил шароитларини ишлаб чиқиш ва суд-кимё экспертиза объектлари учун татбиқ этиш;

соннатни сувли муҳитдан ажратиб олишда таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва дори воситасини биосуюқликлардан (қон ва пешоб) ажратиб олиш учун мўътадил услублар ишлаб чиқиш;

соннатни биологик объект таркибидан ажратиб олишнинг мўътадил шароитларини ишлаб чиқиш;

ўткир заҳарланиш ҳолатларида соннатни лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларига тарқалиши ва уларда тўпланишини ўрганиш;

соннатни биологик объектларда сақланиш муддатлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш;

олинган натижалар асосида услубий тавсиянома тайёрлаб, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, Тошкент шаҳар, вилоятлар филиалларининг суд-кимё бўлимлари, шунингдек, кимё-токсикологик лабораториялар амалиётига татбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тиббиёт амалиётида тинчлантирувчи ва уйқу чакирувчи таъсирга эга циклопирролонлар гуруҳига кирувчи соннат дори моддаси, дори препарати ва стандарт намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** соннатни заҳарланган лаборатория ҳайвонлари ҳамда мурда ички аъзоларидан олинган биологик объектлар (қон, пешоб, ошқозон чайинди сувлари, жигар, буйрак ва бошқалар)дан ажратиб олиш, сифат ва миқдорий таҳлили, заҳарланган лаборатория ҳайвонлари организмида тарқалиши ва сақланиш муддатларини ўрганиш ҳамда кимё-токсикологик лабораториялар амалиётига татбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини бажаришда юпка қатламли хроматография (ЮҚХ), ультрабинафша (УБ) спектрофотометрия, термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия (ТДСИС), юқори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ), газ хромато-масс спектроскопия (ГХ-МС) усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мавжуд ЮҚХ, УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ, ГХ-МС усулларида таҳлил шароитлари ишлаб чиқилган ва хусусийлиги асосланиб, кимё-токсикологик объектлардан соннатни аниқлашда исботланган;

суд-кимё объектларидаги соннатнинг УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ усулларида миқдорий таҳлилнинг мўътадил шароитлари ишлаб чиқилган;

соннатни сувли муҳитдан органик эритувчилар ёрдамида экстракцияланиши ва бу жараёнга рН муҳит, эритувчилар табиати, экстракция сони каби омиллар аниқланган;

соннатни биологик объект ва биологик суюқликлардан ажратиб олиш усуллари яратилган;

соннатни заҳарланган лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларига тарқалиши, тўпланиши аниқланган;

соннатни биологик объектларда сақланиши ҳамда бу жараёнга таъсир қилувчи омиллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

соннатни суд-кимё экспертизаси учун кимё-токсикологик таҳлилин олиб бориш услублари ишлаб чиқилган ва бир тизимга келтирилган;

соннат дори воситасини биологик объектдан ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик ва статистик таҳлил усуллари асосида тасдиқлангани ва валидациялангани замонавий тадқиқот усулалари ёрдамида олинган натижалар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соннатни биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олишнинг тезкор диагностик усуллари ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилишнинг хроматография, УБ-спектрофотометрия ва ТДСИС усуллари мўътадил шароитларини ишлаб

чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таҳлил услубларини амалиётга қўллаш орқали соннат билан ўткир заҳарланиш ҳолатлари рўй берганда беморларнинг биологик суюқликлари (қон, пешоб) таркибидан ажратиб олиб, қисқа вақтда аниқлаб, заҳарланган беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатишга имкон бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соннат (зопиклон) дори воситасининг кимё-токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Биологик объект ва биологик суюқликлардан соннатни ажратиб олиш ва таҳлил қилиш» (2.12.2019 й., №8н-д/293) услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 8н-з/139-сон маълумотномаси). Натижада, соннат билан заҳарланиш ҳолатларида тезкор ва тўғри аниқлаш имконини берган;

соннат дори воситасининг кимё-токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиали амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 8н-з/139-сон маълумотномаси). Натижада соннат билан заҳарланиш рўй берганда соннатни биологик объектлар таркибидан тезкор ва аниқ кимё-токсикологик таҳлилини амалга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби юзасидан маълумотлар келтирилган.



Диссертациянинг «Соннат дори воситасини таҳлиliga қийсий тавсиф ва унда ўрганиладиган муаммолар» деб номланган биринчи бобида соннат (зопиклон) тўғрисида умумий маълумотларни ўз ичига олган адабиётлар шарҳи келтирилган. Бу ерда соннатни физик-кимёвий хоссалари, соннатнинг қўлланилиши, токсикологик аҳамияти ва метаболизми ҳақида маълумотлар келтирилган. Адабиётларда соннатни турли объектларидан ажратиб олиш ва унинг таҳлил этиш усуллари келтирилган, лекин кимё-токсикологик текширувлар учун яроқли бўлган услублар тавсия этилмаганлиги яққол намоён бўлди. Шу муносабат билан соннатни турли биологик объектлардан ажратиб олиш, мўътадил таҳлил шароитларини ва таҳлил усуллари ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб олинган.

Диссертациянинг «Соннат дори воситасини таҳлил услубларини такомиллаштириш ва мўътадил шароитларини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида соннатни ЮҚХ, УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ, ГХ-МС усулларида таҳлил қилишнинг мўътадил шароитларини ишлаб чиқиш ҳамда кимё-токсикологик объектлардан ажратиб олинган моддани аниқлашга татбиқ этиш борасидаги тадқиқотлар баён этилган.

ЮҚХ усулида соннатни бир неча органик эритувчилар ва уларнинг аралашмаларида хроматографик тақсимланиши ўрганилди. Бунда соннат «Силуфол УБ 254» хроматографик пластинкада хлороформ: этанол (7:3) нисбатдаги органик эритувчилар аралашмаси энг мўътадил шароит деб танлаб олинди. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Юпка қатлам хроматография усулида соннат таҳлиliga фойдаланилган органик эритувчилар системаси ва натижалари

№	Органик эритувчилар системаси	Rf кўрсаткичи	
		Силуфол пластинка	КСК пластинка
1	Ацетон:хлороформ:25%аммиак:диоксан эритмаси (5:45:2,5:47,5)	0,60-0,62	0,58-0,60
2	Хлороформ:этанол (7:3)	0,68:0,70	0,66:0,68
3	Хлороформ:ацетон (9:1)	0,06:0,08	0,06:0,08
4	Этилацетат:ацетон (7:3)	0,04:0,06	0,04:0,06
5	Этилацетат:ацетон:диэтиламин (2,5:2,5:5)	0,30:0,32	0,28:0,30
6	Хлороформ:ацетон (8:2)	0,08:0,10	0,06:0,08
7	Хлороформ:этанол (8:2)	0,78:0,80	0,76:0,78
8	Диоксан:бензол:25%аммиак эритмаси (13:5:2)	0,20:0,22	0,18:0,20
9	Хлороформ:этанол:метанол (8:1:1)	0,78:0,80	0,76:0,78
10	Хлороформ:этанол (6:4)	0,58:0,60	0,78:0,80
11	Хлороформ:чумоли кислота:этанол (8:1:1)	0,08:0,10	0,06:0,08
12	Бензол:ацетон (9:1)	0,05:0,10	0,02:0,04
13	Бензол:1-Бутанол (9:1)	0,10:0,12	0,08:0,10
14	Хлороформ:этанол:метанол (6:2:2)	0,60:0,62	0,57:0,59

Хроматографик пластинкада моддани кўтарилиб тўпланган жойини аниқлаш мақсадида бир неча ёритувчи реагентлардан фойдаланилди. Бунда соннатнинг хроматограммадаги доғини аниқлаш учун олинган реактивлардан Бушард реактиви ва УБ нурида ёритиш энг сезгир деб топилди. Уларнинг


моддага нисбатан сезгирлиги 0,5 ва 0,15 мкг ни ташкил этди. Ушбу ишлаб чиқилган таҳлил шароитларида биологик объектлардан ажратиб олинган соннатни таҳлилини олиб боришда қўлланилди ва ижобий натижаларга эришилди. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Соннатни юпқа қатлам хроматрография усулида аниқлашда доғ ҳосил қилувчи реактивларни танлаш ва сезгирлигини аниқлаш натижалари**

Таҳлил учун олинган зопиклон миқдори, мкг	Фойдаланилган доғ ҳосил қилувчи реактивлар				
	УБ ёритиш	Бушард реактиви	Драгендорв реактиви	10% NaOH ва УБ ёритиш	CiZnI комплекс реактиви
100	+	+	+	+	+
90	+	+	+	+	+
80	+	+	+	+	+
50	+	+	+	+	+
30	+	+	+	+	+
10	+	+	+	+	-
8	+	+	+	+	-
5	+	+	+	+	-
3	+	+	+	-	-
1	+	+	+	-	-
0,5	+	+	-	-	-
0,15	+	-	-	-	-

Соннатни УБ-спектрофотометрия усулида таҳлил шароитлари ишлаб чиқилди. Соннатни 0,1 М хлорид кислотадаги эритмасини қатлам қалинлиги 10 мм, тўлқин узунлиги 200 дан 350 нм атрофида таҳлили олиб борилди. Солиштирувчи эритма сифатида 0,1М хлорид кислота қўлланилди. Бунда соннатнинг 0,1 М хлорид кислотадаги эритмаси  $\lambda_{\max}=303$  нм тўлқин узунлигида оптик кўрсаткичи аниқлаб олинди (1-расм).



**1-расм. Соннатни УБ-спектрофотометрия усулида аниқланган спектри**

Соннатни аниқлаш учун *термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия (ТДСИС)* усулида таҳлили ўрганилди.

Тажрибалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг У.А.Орифов номидаги Электроника институти томонидан гиёҳванд ва бошқа


гангитувчи таъсирга эга бўлган доривор моддаларни тезкор аниқлаш учун тавсия этилган сирт ионлашув индикатори ПИИ-Н-С “Искович-1” да олиб борилди.

Соннат дори воситасини термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопик таҳлили қуйидаги шароитда олиб борилди:

- эмиттер – иридий киришмали оксидланган молибден;
- эмиттер кучланиши – 405 В;
- эмиттер ҳарорати – 390 – 420°C;
- буғлатиш ҳарорати – 505°C;
- ҳаво оқими – 50 л/соат (компрессор кучланиши 12 В);
- таҳлил учун олинган текширилувчи намуна ҳажми - 1,0 мкл;
- таҳлил давомийлиги -3 дақиқа;
- спектрларни ёзиб олиш бевосита компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

Соннат дори воситасидан 0,01 г (а.т) тортилиб, 100 мл ўлчов колбасида 95% этил спирти билан эритилди. Тайёрланган эритманинг ҳажми белгисигача 95% этил спирти билан етказилди. Шу эритмадан 0,5 мл олиб 100 мл ўлчов колбасига солинди ва белгисигача 95% этил спирти билан етказилди. Ушбу 50 мкг/мл ишчи стандарт эритмасидан микрошприц ёрдамида 1 мкл миқдорда ПИИ-Н-С “Искович-1” апаратининг буғлатгич лентасидаги цилиндрик чуқурчага солинди ва соннат дори воситасининг термодесорбцион сирт ионлашув спектрлари олинди. Бунда  $\sim 229 \pm 10^\circ\text{C}$  соннат дори воситасига хос чизиқли чўққи пайдо бўлиши кузатилди. Олинган термодесорбцион спектрларни компьютернинг маълумотлар банкига уни эталон спектр сифатида ёзиб қўйилди. Таҳлил натижалари 2-расмда келтирилган.

I, A



## 2-расм. Соннат дори воситасининг ТДСИ спектри

Усулнинг сезгирлик даражаси  $10^{-10}$  г ни ташкил қилди.

Соннатни юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усулида таҳлил шароитлари ўрганилди.

Таҷрибалар “Agilent Tehnologies” корхонасида ишлаб чиқарилган “Agilent 1200 series” русумли юқори самарали суюқлик хроматографида олиб

борилди. Жараён юқори босимда ишлашга мўлжалланган изократик насос, спектрофотометрик детектор, 20 мкл ҳажмли ўлчов ускуна - “Rheodyne” ижектори ва хроматографик колонкадан ташкил топган. Хроматографик жараён “Chemstation Rev. B.0301” дастури ёрдамида компьютер орқали бошқарилади.

Олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хроматография шароитлари ишлаб чиқилди:

- қўзғалувчи фаза: ацетонитрил – 0,05 М аммоний ацетат эритмаси (30:70);

- хроматографик колонка: 150 x 3,0 мм ўлчамли, 3,5 мкм ўлчамли Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбенти билан тўлдирилган;


- ҳарорат – хона ҳарорати;

- детектрлаш тўлқин узунлиги – 303 нм;

- таҳлил давомийлиги - 10 дақиқа;

- текширилувчи намуна ҳажми – 20 мкл.

Ушбу шароитларда соннатнинг ушланиш вақти 6,580 дақиқани ташкил қилди (3-рasm).



### 3- расм. Соннат ишчи стандарт намунасининг хроматограммаси

Соннатни Газ-хромато-масс-спектроскопия (ГХ-МС) усулида таҳлил шароитлари ўрганилди.

Таҷрибалар “Agilent Technologies” корхонасида ишлаб чиқарилган модели 5975N - 7890A (АҚШ) бўлган, масс спектрли хроматографида олиб борилди. Колонканинг ички диаметри 0,25 мм, узунлиги 15 м. Олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хроматография шароитлари ишлаб чиқилди:

- колонканинг ички юзасида қўзғалмас фаза 5% фенилметилсилоксан;

- ташувчи газ сифатида водород, сарфланиш тезлиги 2,5 мл/дақ.;

- инжектор ҳарорати 280°C;


- интерфейс ҳарорати 280°C;

- колонка 20°C/дақ тезлик билан ҳарорати 60°C дан 280°C гача;

- текширилувчи намуна ҳажми 1 мкл;

- таҳлил давомийлиги 25 дақиқа.

Таҳлил учун инжекторга соннатнинг этилацетатдаги 0,1 мг/мл эритмасидан юборилди ва хроматографияланди. Олинган хроматограмма ва масс-спектрларда катор хроматографик чўкқилар ҳамда массани зарядларга нисбатан қийматларнинг спектрлари ҳосил бўлди. Ушбу хроматографик чўкқилар ва масс-спектрларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 15,4 дақиқа ушланиш вақтида ҳосил бўлган чўкқи ва унга мос масс-спектрларнинг 245, 143, 112, 99, 56  $m/z$  масса зарядларига эга бўлган ион бўлаклари соннат (зопиклон)га хос натижани берди (4-расм).




**4-расм. Соннат ишчи стандарт намунасининг хроматограммаси ва масс-спектрлари.**

Диссертациянинг «Соннат дори воситасини микдорий таҳлил услубларини такомиллаштириш ва янги шароитларини ишлаб чиқиш» номли учинчи бобида соннатни микдорини аниқлашга доир тажриба натижалари келтирилган бўлиб, унда УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ усуллари тавсия этилган. Мазкур усуллар ёрдамида биологик объектлар ва

биологик суюқликлар таркибидаги соннатни таҳлил қилишда қўлланилган ва улар ёрдамида олинган натижалар етарлича аниқликка эга эканлиги кўрсатилган.

Соннатни *УБ-спектрофотометрия* усулида миқдорий таҳлил қилиш шароитлари ўрганилди. Уларни УБ-нур соҳасидаги юқори нур ютиш тўлқин узунликларида солиштирма ва моляр нур ютиш кўрсаткичларининг ўртача қийматлари мос равишда 322,1 ҳамда 12525,8 ни ташкил қилди. Соннатни миқдорий таҳлили калибрланган чизмаси орқали ҳисобланди (5-расм).




**5-расм. Соннат оптик зичлигининг концентрацияга боғлиқлик чизмаси**

Соннат дори воситасини *термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия (ТДСИС)* усулида миқдорий таҳлили аниқ концентрацияли стандарт намуна эритмалари асосида тузилган калибрлаш чизмаси асосида олиб борилди.

Калибрлаш чизмасини тузиш учун таркибида 1, 5, 10, 20, 30, 40, 50 мкг/мл соннат дори воситасининг стандарт намунаси сақлаган спиртли эритмаларидан 1 мкл дан беш марта микрошиприц ёрдамида ПИИ-Н-С «Искович-1» аппаратининг буғлатгич лентасидаги цилиндрик чуқурчага киритилиб, таҳлиллар олиб борилди ва уларнинг ўртача қийматлари (соннатнинг  $\sim 229 \pm 10^\circ\text{C}$  даги чўққилари асосида) ҳисоблаб топилди ва калибрлаш чизмаси чизиб олинди. Тажрибаларда олинган натижалар 3-жадвал ва 6-расмда келтирилган.

**Ишлаб чиқилган ТДСИС шароитларининг чизиқлилигини ўрганиш  
натижалари (соннат  $\sim 229 \pm 10^\circ\text{C}$ )(  $n=5$ )**

Эритма концентрацияси, мкг/мл	Соннат дори воситасининг миқдори, мкг	ТДСИ спектрлари баландлиги (ток кучи қиймати $I \times 10^{-12}\text{A}$ )
1,0	1	62
5,0	5	145
10,0	10	225
20,0	20	452
30,0	30	613
40,0	40	909
50,0	50	1208



**6–расм. Соннат дори воситасининг ТДСИС таҳлил шароитларидаги чўққи баландлиги ва эритма концентрациясига боғлиқлик чизмаси**


«Соннат дори воситасини сувли муҳитдан органик эритувчилар ёрдамида экстракция қилиш шароитларини ишлаб чиқиш ва уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш» номли тўртинчи бобда сувли аралашма таркибидан соннатни ажратиб олишда таъсир этувчи омиллар: эритманинг рН кўрсаткичи, органик эритувчилар табиати, экстракция сони ва электролитларнинг таъсири ўрганилган. Ажратиб олиш жараёнига органик эритувчининг табиатини таъсирини ўрганиш учун бутанол-1, диэтил эфири, бензол, хлороформ, гексан каби эритувчилардан фойдаланилди. Экстракция жараёнига муҳитнинг рН кўрсаткичи катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун стандарт фиксаналлар ёрдамида (ГОСТ 8.135-74, рН метрик стандарт титр) рН муҳитнинг кўрсаткичлари 1,56; 3,56; 4,01; 6,86; 9,18; ва 12,45 га тенг бўлган эритмалар тайёрланди ва экстракция жараёнига таъсири ўрганилди. Кейинги босқичда экстракция жараёнини хлороформ билан қайта экстракциялаш ва

экстракцияга электролитлар таъсири ўрганилди. Бунда электролит сифатида аммоний сульфат ва натрий хлорид тузлари олинди.

Соннат (зопиклон) учун энг мўътадил муҳит pH-9,18 ва энг самарали органик эритувчи хлороформ бўлди, яъни экстракция жараёнини хлороформ билан беш қайта экстракциялаш натижасида 92,15% ажратиб олишга эришилди. Электролитлар аммоний сульфат иштирокида 58% ва натрий хлорид иштирокида 61% натижа берди. Экстракция жараёнига электролитлар таъсири ижобий эмаслиги аниқланди.

Ушбу бобда биосуюқликлардан (қон, пешоб) соннатни ажратиб олишда сувли қатламдан экстракция қилиш шароитларидан фойдаланилиб, УБ-спектрофотометрия ва ТДСИС усулларида миқдорий таҳлили олиб борилди. Бунда соннатни модел объектлар: қондан мос равишда 55,49%, 60,52%, пешобдан 70,47%, 73,98% миқдорида ажратиб олишга эришилди.

Диссертациянинг «Соннат дори воситасини биологик объектлардан ажратиб олиш шароитларини ишлаб чиқиш» номли бешинчи боби соннатни турли биологик объектлардан ажратиб олишга доир тажрибаларни олиб боришга бағишланган. Биологик объектлардан соннатни ажратиб олишда органик заҳарларни ажратиб олишда суд-кимё амалиётида қўлланиладиган умумий усуллар (оксалат кислота ёрдамида нордонлаштирилган сув, 0,02 М сульфат кислота ёрдамида нордонлаштирилган сув ва оксалат кислота ёрдамида нордонлаштирилган спирт) усулларида қиёсий ўрганилган. Соннатни умумий усулларда биологик объектлардан оксалат кислота ёрдамида нордонлаштирилган сув усулида 28,57%, 0,02 М сульфат кислота ёрдамида нордонлаштирилган сув усулида 49,07% ва оксалат кислота ёрдамида нордонлаштирилган спирт усулида 20,08% миқдорда ажратиб олинди.



**7-расм. Соннатни биологик объектлардан ацетон-сувли усулида ажратиб олиш чизмаси.**



Таҳлил натижаларига кўра, умумий усулларда биологик объектлардан соннатни етарли миқдорда ажратиб олиш имкони бўлмади. Шу сабабдан соннатни биологик объектлардан ацетон-сувли усулида ажратиб олиш мақсад қилиб олинди. Натижалар 7-расм ва 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал**

**Биологик объектдан ажратиб олинган соннатнинг миқдорий таҳлил натижалари**

Т/р	Биологик объектга қўшилган соннат миқдори, мг	Топилган миқдори		Метрологик тавсифи
		мг	%	
1	3,0	2,22	73,3	$X_{\text{ўрт}}=72,62\%$ $S^2=0,58$ $S_x=0,33$ $S=0,74$ $\Delta X=2,05$ $\Delta X_{\text{ўр}}=0,92$ $E=2,82\%$ $E_{\text{ўрт}}=1,26\%$
2	3,0	2,28	73,4	
3	3,0	2,11	71,7	
4	3,0	2,19	72,6	
5	3,0	2,14	72,1	

Ушбу усул ёрдамида соннатни 72,62% миқдорида ажратиб олишга эришилди.

Диссертациянинг «Соннат дори воситасини тажриба ҳайвонлари ички аъзоларига тарқалиши ҳамда биологик объектларда сақланиш муддатларини ўрганиш» номли олтинчи бобида соннатни тажриба ҳайвонлари (қуён) ички аъзоларида тарқалиши ҳамда биологик объект (жигар)да сақланиш муддатларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тажриба ҳайвонлари ички аъзоларида тарқалишини ўрганиш борасида ўтказилган тадқиқотлар соннат билан ўткир заҳарланиш ҳолатларида у кўп миқдорда ўпка, жигар, ошқозон, буйрак, қон ва пешобда тўпланиши аниқланди. Шунга асосланиб, соннат билан заҳарланиш ҳолатлари содир бўлганда суд-тиббий экспертларга текширувни амалга оширишлари учун қон, пешоб, агар ўлим ҳоллари юз берган бўлса, ўпка, жигар, ошқозон, буйрак, қон ва пешобдан намуна юборилиши тавсия этилди.

Соннатнинг биологик объектлар таркибида сақланиш муддатлари ўрганилганда, биологик объект чириши натижасида 23 кунда соннатни 2,6% миқдорида, биологик объектни 95% этил спирти ёрдамида консервация қилинганда эса ундаги соннатни 120 кунда 1,2% миқдорини аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Соннатни чинлигини ЮҚХ, УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ ҳамда ГХ-МС усулларида аниқлашнинг мавжуд шароитлари такомиллаштирилди ва янги услублар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган таҳлил услубларининг хусусийлиги ўрганилди ҳамда биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган соннат учун татбиқ этилди.

2. Тизимли таҳлил натижасида соннатнинг УБ-спектрофотометрия, ТДСИС, ЮССХ усулларида миқдорий таҳлил шароитлари ишлаб чиқилди.

Тавсия этилган миқдорий таҳлил усуллари валидацион баҳолаш натижасида суд-кимё объектлари таркибидан соннатни аниқлаш натижаларининг ишончлилиги белгиланди.

3. Эритмалардан соннатни ажратиб олишда таъсир этувчи омиллар ўрганилди ва ушбу моддани биосуюқликлардан (қон ва пешоб) ажратиб олиш учун мўътадил услублар тавсия этилди.

4. Биологик объект таркибидан соннатни умумий усуллар ёрдамида етарли даражада ажратиб олиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, ацетон-сувли усулни қўллаш тавсия этилди.

5. Тажриба ҳайвонлари ички аъзоларида тарқалишини ўрганишда соннат билан ўткир заҳарланиш ҳолатларида кўп миқдорда ошқозон, жигар, буйрак, ўпка, қон ва пешобда тўпланиши белгиланди. Шунга асосланиб, соннат билан заҳарланиш ҳолатлари содир бўлганда суд-тиббий экспертларга текширувни амалга оширишлари учун қон, пешоб, агар ўлим ҳоллари юз берган бўлса, ўпка, жигар, ошқозон, буйрак, қон ва пешобдан намуна юборилиши тавсия этилди.

6. Соннатнинг биологик объектлар таркибида сақланиш муддатлари ва унга таъсир этувчи омиллар белгиланди.

7. Олинган натижалар асосида услубий тавсиянома тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, Тошкент шаҳар, вилоятлар филиалларининг суд-кимё бўлимлари, шунингдек, кимё-токсикологик лабораторияларда қўллаш учун рухсат этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**СУЛТАНОВА АДОЛАТ АМИНБАЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ХИМИКО-ТОКСИКОЛОГИЧЕСКИХ  
МЕТОДОВ АНАЛИЗА СОННАТА (ЗОПИКЛОНА)**

**15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Far54.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Усманиева Зумрад Уктамовна  
кандидат фармацевтических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Комилов Хожназор Масудович  
доктор фармацевтических наук, профессор

Халилова Нилуфар Шухратиллаевна  
кандидат фармацевтических наук

Ведущее учреждение:

Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится 13<sup>00</sup> 4.12 2020 г. на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Ойбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail.ru: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 10) по адресу: 100015, Ташкент, Мирабадский район, улица Ойбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38)

Автореферат диссертации разослан «18» 11 2020 года.  
(Реестр протокола № 10 от «18» 11 2020 года)



К.С.Ризаев  
Председатель Ученого Совета по  
присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С. Кариева  
Ученый секретарь Ученого Совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.н,  
профессор

Ф.Ф.Урманова  
Председатель Ученого семинара при  
Ученом Совете по присуждению ученых  
степеней, д.ф.н, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения, нарушения сна встречаются у 4-45% взрослых, и в этом случае используются лекарственные средства. В медицинской литературе сообщалось об отравлении в результате широкого использования препарата соннат в качестве седативного и снотворного средства. Учитывая это, одна из важных задач разработать методы анализа, изолирование сонната от отравленных внутренних органов, и применять их на практике.

Сегодня судебно-химические лаборатории по всему миру проводят исследования по разработке методов изолирования и анализа седативных и снотворных средств из тканей внутренних органов трупа и биологических жидкостей (кровь, моча). В связи с этим необходимо изучить факторы экстрагирования исследуемых препаратов из биологических объектов, их распределение и накопление во внутренних органах трупа, сроки сохранения исследуемых веществ в гнилостно разлагающемся трупном материале.

В нашей Республике особое внимание уделяется расширению качественных и безвредных методов анализа. В четвертой главе Стратегии действий на 2017-2021 годы определены важные задачи для «более быстрого развития фармацевтической отрасли, повышения скорости и качества лечения пациентов ...»<sup>1</sup>. В связи с этим большое значение имеют разработка новых методов обнаружения и количественного определения исследуемых препаратов из биологического материала, совершенствование существующих.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит вполнению задач, предусмотренных в Постановлений Президента Республики Узбекистан №ПП-4438 от 6 сентября 2019 года «Об усилении мер по предупреждению незаконного оборота лекарственных средств», №ПП-4049 от 4 декабря 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности судебно-медицинской службы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан №878 от 27 октября 2018 года «О совершенствовании порядка ввоза, вывоза и транзита наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров на территорию Республики Узбекистан, а также контроля за их обращением», №818 от 27 сентября 2019 года «О регулировании обращения сильнодействующих веществ в Республике Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлениям развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В химико-токсикологическом

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

отношении особое место занимают исследования Ю.А.Хомова, Г.П.Чепурная, Л.Ю.Клименко, Э.Мейера, П.Дж.Бонифас, Г.Г.Рассела, Р.Р.Краснова, С.С.Катаева, Н.В. Кокшаровой. Стоит отметить их научные исследования методов изолирования и анализа сонната (зопиклона) из биологических объектов.

В настоящей диссертационной работе приведен подход к решению комплекса вопросов, связанных с разработкой методик исследования объектов биологического происхождения на наличие сонната, позволяющих с наибольшей доказательностью решать вопросы экспертной практики.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационная работа выполнено в соответствии с планом научно-исследовательской работы Ташкентского фармацевтического института «Совершенствование методов фармакологического и токсикологического анализа».

**Целью исследования** является разработка методических рекомендаций и предложений по совершенствованию методик химико-токсикологического анализа сонната в биологических жидкостях и объектах.

**Задачи исследования:**

